

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**119** Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини  
хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғри-  
сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-3*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 690-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сонли қарори (рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2014 йил 4 март,  
20-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2014 йил 4 март,  
2014-7-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2014 йил 4 мартдаги  
20, 2014-7-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солигини  
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом оқ цементга, шунингдек муқобил ёқилғи — кўмирда ишлаб чиқарилган цемент ва клинкерга татбиқ этилмайди.»

2. 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги «бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1 ва 2-иловаларда:

060-сатрда «бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«\* Изох: корхона ихтиёрида қолган сумма Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобининг 240-сатрини камайтиради.»